

продекламировать стихотворение.

- Занятия – беседы.
- Занятия иностранным языком на природе [4].

Методы обучения английскому языку.

- Ассоциативный метод.

Детям с их развитым воображением этот метод подходит отлично. Его суть в том, что изучаемая фраза или слово связываются с каким-то очень ярким образом, картинкой. То есть, запоминая слово apple, они представляют вкусное сочное яблоко. Впоследствии яркий образ позволяет легко отыскать в памяти нужное слово.

▪ **Коммуникативный метод (лексический подход).**

Это метод изучения языка через общение, обсуждение – так дети постепенно учатся думать на английском. Можно обсуждать, как прошёл день, насколько была интересной новая книжка или фильм, куда ходили на выходные. Таким образом, дети разучивают фразы и выражения, которые впоследствии легко используют в речи.

▪ **Аудио-лингвальный и аудиовизуальный методы.** С помощью этих методов хорошо отрабатывается устная речь. В основе их – интересные диалоги, разучивая которые, дети легко учатся говорить.

▪ **Метод погружения.**

Дети смотрят фильмы, слушают песни, воспринимая таким образом оригинальную английскую речь. Хороший способ – общаться с носителем языка, который не сможет отвечать по-русски. Метод погружения учит думать на английском – хороший навык, который очень пригодится в будущем [3].

В дошкольном возрасте возникают специфические трудности усвоения второго языка. У дошкольников пока ещё отсутствует действительные и актуальные

мотивы овладения вторым языком. Формирование таких мотивов затрудняется в связи с тем, что естественная языковая среда с достаточной силой стимулирует процессы овладения родным языком. Овладение иностранным языком остаётся недостаточно мотивированным видом познавательной деятельности.

У дошкольников могут возникать личностные психологические барьеры в связи с непривычными звуками иноязычной речи, странными для детей словами и фразами, случайными ассоциациями с родной речью. Достичь успеха в учебной деятельности позволяет использование личностно-гуманного подхода к учащимся предполагающего применение стимулирующих оценок, призывов, привлечение внимания детей к успехам в учебной деятельности.

Психологи считают, что при организации обучения следует опираться на особенности, качества и свойства, которые уже являются созревшими чертами личности ребенка. Лишь при чётком определении психологических возможностей ребёнка и трудностей, которые он может встретить в процессе обучения, можно создать методику, несущую в себе развивающий и образовательный потенциал [2].

Английский для малышей требует от преподавателя огромной фантазии и нестандартного подхода к организации учебного процесса. Необходимо дополнять занятие разнообразными мультфильмами на английском языке, раскрасками на тему занятия и прочими необычными методическими приемами. Ребёнок такого возраста должен воспринимать занятие как игру, а не как обучение в прямом смысле слова. Малышу должно быть интересно, только тогда можно в полной мере реализовать все поставленные цели обучения.

Литература

1. Обучение иностранному языку дошкольников/обзор теоретических позиций. Иностранные языки в школе. №1. 1990. -С. 38-42.
2. Жохова. И. М (2015) “Обучение дошкольников английскому языку”.
3. <http://www.comenglish.ru/angliyskiy-dlya-rebenka/metodika-obucheniya-angliyskomu-yazyku-detey-bystryy-i-effektivnyy-sposob>.
4. <http://www.kp.ru/guide/obuchenie-detei-angliyskomu-jazyku.html>.

РЕЗЮМЕ

Макур мақолада мактабгача ва бошланғич таълимда чет тилини ўқитиш жараёнида айрим методлардан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган. Зеро, ёш хусусиятини инобатга олган ҳолда чет тилини ўргатишда, таълим жараёнининг турли босқичларида ўйин методларидан фойдаланиш мумкин. Бу мамлакатимизда чет тилини ўргатишга бўлган қизиқишни ривожлантиради ва таълим самарасини оширади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы преподавания иностранного языка в дошкольном возрасте и на начальном этапе. Использование различных игровых приёмов на уроках способствует формированию дружного коллектива, роста коллективного знания иностранного языка в классе.

SUMMARY

The article deals with the issues of teaching foreign language at pre-school and elementary stages of learning. The use of different games at the lesson promotes to the creation of the friendly atmosphere, growth of collective knowledge in the classroom.

ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИДАН ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАНИНИ ЎЗЛАШТИРМАСЛИК САБАБЛАРИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛЛАРИ

Б.Есбоғанова – катта ўқитувчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

М.Халимов - катта ўқитувчи, доцент

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини

Таянч сўзлар: билим, фазовий тасаввур, ижодкорлик, лойихалаш, чизмачилик, конструкторлик..

Ключевые слова: знание, пространственное описание, творчество, проект, черчение, конструктор.

Key words: knowledge, space depicting, creative, draft, drawing, constructor.

Маълумки, барча фанлардан фанини кийин ўзлаштирувчи талабалар учрайдики, уларни ўқитиш ҳамда ўзлаштирувчи талабалар сафига кўшиш учун дарс олиб борувчи профессор-ўқитувчи ҳар хил метод ва технологияларни қўллайди.

Биринчидан, ўзлаштираликнинг олдини олишнинг синалган ва энг кўп қўлланиладиган воситаларидан бири, талабаларнинг тиришиб ва жон-дили билан ўқишлари учун шароит яратиш беришдир. Бу масалага ҳукуматимиз томонидан ёш авлоднинг комил инсон бўлиб шаклланиши

учун мактабгача таълим, ўрта таълим, ўрта махсус таълим ва олий таълимда барча шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори таълим сифатини оширишда дастурий амал бўлади.

Сабаби, мазкур қонунда таълим муассасаларига қабул, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ўқув ва илмий-лаборатория бино ва корпуслари, спорт иншоотлари, ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси

объектларини куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим илм-фаннинг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораторияларини замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозлаш орқали янада мустаҳкамлаш, таълим муассасаларига хориждан етакчи олимларни жалб қилиш механизмлари, ОТМ профессор-ўқитувчиларининг хорижда малака ошириш, стажировкаларини ташкил қилиш масалалари ўз ечимини топади.

Мамлакатимиз иқтисодини ривожлантириш, кучайтириш мақсадида кўплаб чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Бутун мамлакат, хусусан пойтахтимиз бўйлаб қурилиш, обodonлаштириш ишлари авж олиб, кўркам, замонавий бинолар, кўприklar, қишлоқ қурилишлари, боғлар, бозорлар қуриб ишга туширилмоқда.

Бундай замонавий завод ва фабрикаларда ишлаш учун, шунингдек янгиликка тўла архитектура биноларини лойиҳалаш, қуриш учун ёшларимиздан техникавий билимга эга бўлиш талаб этилади. Яъни, ҳар қандай замонавий техника билан “муомала” қила оладиган, уни бошқара ва ишлата биладиган, янги ғоялари орқали кўркам бинолар лойиҳаларини ярата оладиган кучли билимли ёшларга ҳозирги кунда эҳтиёж сезилмоқда.

Иккинчидан, талабаларнинг фанни ўзлаштирмаслик масаласини ҳал этиш учун талабаларнинг билимга бўлган эҳтиёжини ошириш ва уларда ўқишга ҳавасни тарбиялаш масаласидир. Бунга ўрганилаётган фанни амалиёт билан яқиндан боғлаш, назариянинг ҳаётий аҳамиятини кўрсатиш орқали эришилади.

Билимга бўлган эҳтиёж зарурлигининг дастлабки шарт-шароитлари ўқувчиларнинг фаоллиги ва билимга бўлган қизиқишларидир. Бу масалага машҳур рус ёзувчиси А.М.Горький алоҳида аҳамият бериб, шундай деб ёзган эди: «Боланинг саволига «сабр қил, катта бўлганимда билиб оласан» деб айтиш, унинг билимга бўлган интилишини сўндириш демакдир». Ўқитувчи талабанинг ҳар қандай саволига жавоб бериш учун ҳамма вақт тайёр бўлиши керак. Айрим талабалар ўқитилаётган айрим фанларни, хусусан, чизмачилик фани билан шуғулланишни истамайдилар, чунки улар ўзларини келажакларида чизмачилик фанига бўлган эҳтиёжларини сезмаймиз - деб ўйлайдилар. Масалан, ОТМ талабаларидан бири иккинчисига, бўлажак жаррох ёки муҳандис учун бу фан бутунлай керак эмас - деб айтди. Бу талабанинг фикрича, чизма геометрия ва чизмачилик фани ўзини техникани ўрганишга бағишлаётган кишигагина керак экан дейдилар. Бундай талабага қуйдагича жавоб бериш мумкин: рус жаррохи Пирагов, жаррох учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мускул, томир ва нервларнинг ўзаро жойлашиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун, инсон танасининг у ёки бу органининг чизмасини кесимлари билан бирга бажарган.

Учинчидан, фанни ўзлаштирмасликнинг олдини олишнинг муҳим воситаси ўрганилаётган фаннинг истикболини очиш, унинг турмуш ва ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳамда тарихий тараққиётини кўрсатишдан иборат. Бу ерда ҳам ўқитувчи чизманинг ва техниканинг тарихий тараққиётдан айрим лавҳаларни тушинарли шаклда ҳикоя қилиб бериши лозим.

Тўртинчидан, ўзлаштирмасликни олдини олишнинг муҳим шартларидан бири гуруҳда ҳар бир талабанинг ўзлаштириши ҳақида жамоатчилик фикрини вужудга келтиришдир. Бунга гуруҳда талабаларнинг бир-бирига ўзаро ёрдами, тартибни яхши йўлга қўйиш, талабаларни ва айниқса дарсда қийин ўзлаштирувчи ҳисобланганларни ўқишга фаол жалб этиш билан эришилади. Гуруҳда ўртоқларининг айтиб туришига ва нолойиқ баҳо олишни кўзловчи талабаларга нисбатан талабчанлик доим ҳукм суриши керак. Ўқитувчи гуруҳ талабаларининг умумий фикрига таяниб, айрим талабаларни ўқишга жиддий муносабатда бўлишга мажбур қилиб уларга кўпроқ таъсир

кўрсатиши мумкин.

Бешинчидан, талабалар фанни ўзлаштирмасликларининг (қолоклик) олдини олишда ўқитувчи талабалар кўп йўл қўядиган хатоларни яхши ўрганиши керак. Кузатишлар шуни кўрсатадики, талабаларнинг чизмачилик фанидан ўзлаштирмасликларининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Умумўрта таълим мактабларида чизмачилик фани факат 8-9 синфларда ўқитилганлиги учун талабаларнинг фанга оид билимлари хотирадан кўтарилиши;

2. Касб-хунар коллежларида “Техник чизмачилик” фанига ажратилган соатларнинг етишмаслиги;

3. Чизма бажариш техникасининг унитилганлиги, яъни тасвирлар ясаш ва уларни пардозлашга оид кўникма ҳамда малакаларини етишмаслиги;

4. Назарий маълумотларга оид гуруҳ доскасида бажарилган амалий тасвирларни охирига етказиб чиза олмаслик ва б.

Шунингдек, талабалар томонидан бажарилган чизмачилик бўлимлари оид вазифаларда қуйидаги хатolikлар кўпроқ учрайди.

Геометрик чизмачилик бўлимида:

- диаметр ва радиус белгиларини нотўғри қўйи-лиши.

- чизмада бир хил турдаги чизикларни ҳар хил каллиликда бажарилиши, штрихлар орасидаги масофа ва штрих ҳамда штрих-пунктир чизикларда штрихлар ўлчамларини сақламаслиги.

- стандарт шрифт ҳарфлари ва рақамларининг сатр чизигига ва ГОСТга мос келмайдиган қилиб бажарилиши, ҳарфлар ва рақамлар орасидаги масофаларнинг тенглигини сақламаслиги.

- айланаларни марказ чизикларини ўтказмасдан чизилиши.

- чизма қоғози кўлампдан унумли фойдаланилмаслиги.

- у ёки бу масштабда бажарилган чизмада ўлчамларни асл ҳолича қўйиш ўрнига катталаштирилган ёки кичиклаштирилган ҳолда қўйилиши.

- туташма ёйларини тутатиш нукталарини англамасдан ўтказилиши, натижада тўғри чизик ва айлана ёйи орасидаги туташувларни силлиқ, равон бўлмаслиги.

Проекцион чизмачилик бўлимида:

- чизмачиликни ўқитишнинг биринчи босқичларида талабалар кўпинча чизмадаги уч кўринишини (проекцияни) ўрта ҳил предметнинг тасвири деб қабул қилиниши.

- ўлчамларни ўч кўринишга (проекция) нотўғри тақсимланиши, кўпинча ҳамма ўлчамларни бир ёки икки кўринишга қўйилиши.

- кўринишлар орасидаги проекцион боғланишни бузилиши.

- тасвирланаётган деталнинг асосий кўринишини нотўғри аниқланиши.

- аксонометрик проекцияда (изометрик, диметрик проекцияда) тўрт марказли овал ўқларини нотўғри чи-зилиши.

- деталь эскизини бажаришда унинг айрим эле-ментлари орасида мутаносибликни сақланмаслиги.

- қирқимни бажаришда деталнинг факат қирқимга тушган қисмини штрихлаб қолмасдан, кесувчи текислик ташқарисидаги қисмини ҳам штрихланиши, қирқим юзасида кўринишдаги контур чизикларни қолдирилиши.

- қирқимни кесим каби чизилиши.

- деталь кўринишини ва қирқимини кўринадиган контур чизик билан ажратилиши.

- чизмада кесувчи текислик орқасида жойлашган чизикларни қолдирилиши.

- эскизларни тузиш тартибининг бузилиши, масалан, ўлчам чизикларини қўймасдан олдин детални ўлчанилиши.

- айрим кўринишларда ўчамлар қўйилишини

мақсадга мувофиқлиги ўйланмаслиги.

Машинасозлик чизмачилиги бўлимида:

- тешикда резбани нотўғри тасвирланиши.
- чизмада резбаларнинг белгиланишини нотўғри бажарилиши.
- резба чегарасини штрих чизиклар билан кўрсатилиши.
- қирқим ва кесимларда штрих чизикларни резбанинг ташки диаметри чизигича чизилмай қолиниши.
- шпилькали бирикмаларни болтли бирикмалардан ажрата олмаслик.
- болтли бирикмалар комплектини ҳамма вақт ҳам таҳлил қила олмаслик (у қандай асосий деталлардан тузилганини аниқлай олмаслик).
- қандай бирикмалар ажраладиган ва қандайлари ажралмайдиган эканлигини аниқ тасаввур этолмаслик.
- маҳкамлаш деталларига қайси стандарт деталлар киришини билмаслик.
- болтли бирикмада шайбанинг қандай хизмати борлигига жавоб ололмаслик.
- шпонканинг вазифининг тўғри изоҳлай олмаслик.
- парчинли бирикмалар қаерда ишлатилишини айтиб беришга қийналишлик.
- у ёки бу буюмга кирувчи ҳамма деталларни ҳам деталларга ажратиш керак эмаслигини билмаслик.

Архитектура-қурилиш чизмачилиги бўлимида:

- қурилиш чизмаларини англаб етмай машинасозлик чизмаларидан фарқлай олмаслик.

- қурилиш чизмаларини ўқиш тартибини аниқ тасаввур қилолмаслик.
- қурилиш чизмачилигида ишлатиладиган шарли белгиларни эсда сақлай олмаслик.
- маълумотнома(справочник)лардан фойдаланишни билмаслик.
- оддий схемалар тузишда қийналишлик ва ҳаказо.


Савол туғилади, агар гуруҳ бўйича ҳамма ўзлаштира олмаса, унда ўқитувчи қандай чора кўриши керак? Бу ҳолда ўзлаштирмасликнинг сабабларини аниқлаш ва унинг мониторингига қараб тузатиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўриш зарур. Одатда ўқитувчилар тажрибаларида шахсий топшириқлар, дарсдан ташқари вақтларда қўшимча машғулотлар ўтказиш, мустақил иш бериш ва ҳоказолар қўлланилади.

Ўзлаштирмасликни олдини олиш, уни тузатишдан анча осон. Шунинг учун чизмачилик фани ўқитувчиси фанини ўқитишнинг бошланишидан ҳамма талабалар ўзлаштиришини қаттиқ назорати остига олиши керак. Педагогик ишнинг асосий жойи шундаки, талабалар, баъзан ўқитувчининг ўзи ҳам йўл қўйилган ўзлаштирмасликка эътиборсиз бўладилар ва уни тузатиш учун керакли чораларни ўз вақтида кўрмайдилар.


Ушбу мақолада биз талабаларнинг қўшимча мустақил ишлашлари учун, яъни чизма бажариш малакасини оширишга катта эътибор беришга ижодий ёндашиш услубиётини тарқатма материаллар асосида қуйидагича ишлаб чиқдик:

1. Стандартда белгиланган чизма чизиклари асосида детал чизмасини таҳлил қилиш орқали (1- чизма).

Стандартда белгиланган чизик турлари



Детал чизмасида кўрсатилган чизик турлари таҳлил қилган ҳолда чизилсин.



1- чизма.

2. Чизма шрифтларини ёзишни машқ қилиш орқали (2- чизма).


Шрифт намунаси.




Берилган шрифт намунаси асосида матн сўзи ёзилсин.

2- чизма.

3. Таянч туташма элементлари қатнашган детал чизмаларини бажариш орқали (3- чизма).
Таянч туташма турлари бажарилсин




Туташма қатнашган чизма бажарилсин




3- чизма.

4. Детал чизмасига ўлчам қўйиш орқали (4- чизма).
Ўлчам қўйиш учун маълумот.




Детал чизмасига ўлчам қўйилсин.




4- чизма.

1. Детал чизмасини белгиланган масштабга мос равишда катталаштириш ёки кичиклаштириш орқали (5- чизма).


Чизма берилган
масштабда кичиклаштирилсин
М 1:2,5



Натурал масштабда
чизилсин
М 1:1




Чизма берилган
масштабда катталаштирилсин
М 2:1




5- чизма.

6. Фазовий тасаввури яхши ривожланмаган талаба берилган икки проекция бўйича учинчисини бажаришда кўп хатоларга йўл қўяди. (6- чизма, а). Бундай ҳолда талабага чизма билан биргаликда деталнинг модели ёки яққол тасвири берилиши керак. (6- чизма, б).



а).



б).

6- чизма.

Биз юқорида кийин ўзлаштирувчи талабалар сафига суи суръат билан ишлайдиган талабалар кириб қолишини таъкидлаб ўтган эдик. Бундай талабалар билан ўша суи суръат билан ишлаш керакки, лекин уларни тезда шошириш ёки идроксизликда айблаш мумкин эмас. Бу талабаларнинг ўқишга бўлган кизиқишига салбий таъсир қилиши мумкин. Қўшимча машғулотларда талабаларнинг фаоллик кўрсатишларига ва ўқув материалининг бир қисмини

ўқитувчи раҳбарлигида ўзлари ўрганишларига интилиш лозим. Шунингдек, кузатишларимиз ўзлаштирувчи талабалар билан кийин ўзлаштирадиганларни бириктириб қўйиш мумкин. Бундай услуб икки томонлама фойдалидир. Кучли талабалар ўртоқларига ёрдам бериш билан бир вақтда ўрганилган материалларни мустаҳкамлайдилар. Бундан ташқари, бундай ҳамкорлик талабалар ўртасидаги ўртоқлик хиссининг ўсишига имкон беради.

Адабиётлар

1. Ro'ziyev E., Ashirboyev A. Muhandislik grafikasini o'qitish metodikasi. -T.: "Yangi asr avlodi", 2010.
2. Раҳмонов И. Чизмаларни чизиш ва ўқиш. -Т.: «Ўқитувчи», 1992.
3. Рихсибоев Т. Муҳандислик графикасини ўқитишнинг методологияси. -Т.: "Тафаккур қаноти", 2011.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада биз талабаларнинг чизмачиликни ўзлаштираётганларнинг олдини олишнинг, муҳим воситаси ўрганилаётган фаннинг истиқболини очиш, унинг турмуш ва ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳамда тарихий тараққиётини кўрсатишдан ибарат. Яъни чизма бажариш малакасини оширишга катта эътибар беришга ижодий ёндашиш услубиётини тарқатма материаллар асосида қуйидагича ишлаб чиқилди.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрываются перспективы предмета в усвоении навыков черчения студентов с помощью основных технологий, а также определяется его роль и место в обществе и производстве, указывая на историческое развитие предмета. Однако навыки черчения требуют больших усилий и внимания, для этого в статье предлагаются разработанные раздаточные материалы на основе творческого подхода.

SUMMARY

The given article deals with drawing subject, where we examine significant techniques in teaching subject and developing students' awareness about the subject, moreover, these issues help us to identify its place in society and infrastructure. In addition, there are given handouts designed on the basis of creative approach to develop drawing skills of learners.

SOME TIPS ON THE IMPORTANCE OF CREATIVE WRITING IN LANGUAGE CLASSES

A.S.Elmuratova - assistant teacher

Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz

Таянч сўзлар: коммуникация, ёзма нутқ, ижодий ёзиш, ижодий тасвирлаш.

Ключевые слова: коммуникация, письменная речь, креативное письмо, творческое самовыражение.

Key words: communication, written speech, creative writing, creative self-expression.

With the development of information technology and expansion of the process of globalization, the world has become smaller but information is much. In such conditions many countries are striving for integration. More and more people want to get the latest news around us. In addition, many countries want to improve their economies and their position in the world. And the Republic of Uzbekistan is no exception. It should be especially noted in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. P-1875 "On measures to further improve the system of studying foreign languages" from December 10, 2012, which analyzed the current system for organizing foreign language studies showing that educational standards, curricula and textbooks are not in fully meet modern requirements, especially with regard to the use of advanced information and media technologies which aimed to improve foreign language learning system in the country [1].

Nowadays a great attention is paid to the development of four skills in learning language. The four skills of language learning are a set of capabilities that help to comprehend and produce an effective interpersonal communication. These are Listening, Speaking, Writing and Reading. Listening and Reading are receptive skills; Speaking and Writing are productive ones. Each of them is important and has its unique role in language learning process. Written speech increasingly penetrates the interpersonal and professional intercultural communication in the learning process of foreign languages, which can also be explained by the growing role of information technologies in all areas of human activity. When teaching foreign-language communication, speaking is usually outlined. However, about the role of written speech has been much spoken and written lately, writing as productive type of speaking activity still has a notable place in teaching foreign languages.

Analyzing the mechanisms of the functioning of the types of speech activity, psychologists and methodologists come to the conclusion that there are similarities and differences between writing and speaking. Thus, N.D. Galskova notes the similarity of the so-called internal speech mecha-

nism, i.e. internal plan for the future text [2:37]. With written and oral speech operatively functions the same transitions between externally expressed and internally pronounced linguistic forms. In the process of writing there is a transition from a word spoken aloud or to oneself, to word visible. When speaking there is a transition from a word spoken to himself, to the word spoken aloud. The way from thought to linguistic units is similar. Selecting lexical units, their organization in grammatically designed sentences, paragraphs and texts are made through the stages of selection, comparison, combination and control. In this case, there is set a chain of consecutive speech actions in accordance with the communicative intent of the author. It should also be taken into account the correlation of psychological mechanisms, involved in the process of speech: hearing, memory, attention, as well as the use of visual, speech and auditory analyzers. First, we dictate to ourselves in the process of writing, then look through and mentally pronounce the written work, listening carefully in it's rhythm and intonation.

Without denying the similarity between writing and speaking, E.N. Solovova distinguishes a number of differences between them [3]. A written speech is a monologue, which is built quite fully. In the absence of direct communication, the writer unfolds the speech to avoid misunderstanding of his own thoughts. In this regard, writing contains additional information, definitions that specify the characteristics. We strive to present information consistently and logically, clearly and concisely, because there will not be opportunities to change something or to repeat and clarify the written work. Therefore, the written speech is carefully thought through, the author redoes something, reformulates, tries to correct the written work. One should have enough time for this (at home or in class). The written text is more structured, since there is an opportunity to check it out. One of the main characteristics of the spoken text is its spontaneity.

Written texts are more demanding for the language norms. The duration of the formation of writing and speak-